



## СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ОМИЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Артикова Фазилат Панжиевна**

Тошкент Кимё халқаро университети

ORCID: 0009-0006-3011-2232

[fazilat88@mail.ru](mailto:fazilat88@mail.ru)

**Аннотация.** Ҳар қандай суғурта компанияси фаолиятининг асосини ташкил этишида суғурта портфели муҳим аҳамият касб этади. Суғурта компанияси томонидан мувозанатлашган, барқарор ва самарали ташкил этилган суғурта портфелини яратиш долзарб масала ҳисобланади. Унинг ташкил этилишида ўзига хос тамойиллари ва функциялари, назарий асослари тадқиқотчиларнинг ҳаммиша диққат эътиборида турган долзарб масалалардан бири саналади.

**Калит сўзлар:** суғурта, суғурта портфели, суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги, суғурта портфелининг таснифланиши, суғурта портфелини бошқариш.

## АНАЛИЗ ФАКТОРОВ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ СТРАХОВОЙ КОМПАНИИ

**Артикова Фазилат Панжиевна**

Ташкентский Международный Университет Кимё

**Аннотация.** Страховой портфель играет важную роль в формировании основы деятельности любой страховой компании. Создание страховой компанией сбалансированного, стабильного и эффективно организованного страхового портфеля является актуальной задачей. Ее конкретные принципы и функции, теоретические основы ее организации считаются одними из актуальных вопросов, которые всегда находятся в центре внимания исследователей.

**Ключевые слова:** страхование, страховой портфель, финансовая устойчивость страховой организации, классификация страхового портфеля, управление страховым портфелем.

## ANALYSIS OF FACTORS FOR ENSURING FINANCIAL STABILITY OF AN INSURANCE COMPANY

**Artikova Fazilat Panjiyevna**

Tashkent International Kimyo University

**Abstract.** The insurance portfolio plays an important role in forming the basis of any insurance company's activities. Creating a balanced, stable and effectively organized insurance portfolio by an insurance company is an urgent task. Its specific principles and functions, the theoretical foundations of its organization are considered one of the pressing issues that are always in the focus of attention of researchers.

**Key words:** insurance, insurance portfolio, financial stability of an insurance organization, classification of an insurance portfolio, insurance portfolio management.

### Кириш.

Хар қандай иқтисодиётининг асоси унинг барқарор ривожланишига боғлиқ бўлади. Бундай ҳолатда суғурта институтларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда суғурта компанияларининг ўз барқарорликларини таъминлаш янада муҳимдир. Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминловчи асосий омиллардан бири бу суғурта портфелидир. Суғурта портфели моҳиятини тушуниш ва унинг мувозанатлашган шаклини таъминлаш бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда. Суғурта портфели суғурта компаниясининг бутун фаолияти ва унинг молиявий барқарорлигини белгилайдиган асосини ташкил этади. Суғурта портфели деганда маълум ҳудудда суғурта қилинган объектларнинг ҳақиқий сони ёки мавжуд суғурта шартномалари тушунилади. Суғурта портфелининг молиявий барқарорлиги деганда қабул қилинган рисклар ва портфел рентабеллиги ўртасидаги доимий баланс тушунилади. Суғурта портфелининг ҳажми, сифати, таркиби ва динамикаси суғурта тўловларининг келиб тушиши, суғурта қопламалари тебраниши, суғурта суммалари ҳажмининг ўзгариши суғурта операцияларининг рентабеллигини белгилайди.

### Адабиётлар таҳлили.

Суғурта бизнесида суғурта портфелининг роли ва ўрнини аниқроқ аниқлаш учун суғурта портфели билан боғлиқ операцияларни тадқиқ этиш услубиётини кўриб чиқиш керак. Суғурта фанларида “Суғурта портфели” атамасига иқтисодчилар томонидан турли даврлада турлича тарифлар бериилган. Жумладан, Рейтман (1992) ушбу тушунчага қўйидагича таъриф беради “Суғурта портфели – бу маълум бир ҳудуд ёки компанияда суғурталанган объектлар ёки суғурта шартномаларининг реал сони”.

Рубин ва Солдаткинлар (1994) қўйидаги таърифни таклиф этадилар: “Суғурта портфели – бу суғурта компаниясининг умумий фаолияти ҳажми билан тавсифланадиган ва амалга оширилган суғурта битимларининг умумий ҳажми”.

Яшинанинг (2007) таърифига кўра “Суғурта портфели – бу эквивалентлик, мувозанатлашган ва самарадорлик тамойиллари асосида суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминлайдиган маълум молиявий воситалар мажмуи билан суғурта қилиш учун қабул қилинган суғурта рискларининг қиймати”.

Рязанцевнинг (2009) фикрига кўра “Суғурта портфели – бу суғурта компаниясининг жами шартномалари бўйича суғурта қабул қилинган рисклар ва суғурта мажбуриятларнинг ҳажмидир”.

Собиров (1998) тадқиқотларида қўйидагиларни кўришимиз мумкин, яъни “вилоят, шаҳар, туман доирасида суғурталанган объектлар ва амалдаги шартномалар суғурта портфелини ташкил этади. Унинг таркибига кирган объектлар ва шартномаларнинг ҳудуддаги нисбати ҳар бир ҳудудда суғурта хиллари қандай ривожланганлигини ифода қилади.

Суғурта портфели атамаси бошқа маънода – ҳудудда тўпланган суғурта бадалларининг умумий миқдори сифатида ҳам ишлатилади.

Жигас (2009) тарифига кўра “Суғурта портфели – бу маълум бир суғурта суммаси билан тавсифланадиган суғурта шартномаларининг тўпламидир. Аслида эса у суғурта компаниясининг суғурталанувчилар олдидagi мажбуриятидир. Барқарор суғурта портфелини яратиш суғурта компаниясининг муҳим мақсадларидан биридир. Қабул қилинган суғурта шартномалари бўйича суғурта компаниясининг жавобгарлик даражаси унинг молиявий имкониятларига мос келиши керак. Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун кўп миқдордаги суғурта шартномалари ва паст даражадаги жавабгарлик билан суғурта портфелини шакллантириш тавсия этилади.

Чалдаева (2011) “Суғурта портфели (insurance portfolio) – маълум вақт (маълум бир санада) оралиғида суғуртани ривожлантириш бўйича суғурта компанияси

фаолиятининг умумлаштирилган тавсифи. Кўплаб фарқларга қарамай, кўпгина тадқиқотчилар суғурта портфелининг моҳияти тўғрисидаги қарашлари бир хиллигини таъкидлайдилар, яъни суғурта портфелининг миқдорий белгиси бу суғурта шартномасидир. Унинг моҳияти эса суғурта компанияси суғурталанувчи томонидан суғурта хизматини олдиндан тўлаган тақдирда зарарни қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олиши тушунилади.

Ефимов (1996) эса “Суғурта портфели – барча мавжуд суғурта ёки қайта суғурта шартномалари бўйича суғурта компанияси ёки қайта суғурта компаниясининг жавобгарлиги. Суғурталанган объектларнинг ҳақиқий сони ёки суғурта компаниясининг жорий фаолиятида расмийлаштирилган шартномалар сони”.

Абдурахмонов (2018-2024) ўз тадқиқотларида суғурта портфелини шакллантиришнинг мауммолари, суғурта мукофотларини шакллантириш, уларни кўпайтиришда соҳага янги технологияларни жорий этиш, тизимда юз бераётган ўзгаришлар, рақобатнинг янги шакллари, суғурта портфелини купайтириш бўйича ўз қарашларини баён этган.

Юқорида келтирилган таърифларнинг барча муаллифлари суғурта портфелининг ҳолати суғурта компанияси томонидан қабул қилинган рискларнинг ўзига хослиги ва иқтисодий таркиби бир хиллигини таъкидлашади. “Суғурта портфели” атамасининг таҳлили асосида шуни таъкидлаш мумкинки, унинг ҳажми амалдаги суғурта шартномаларининг сони, суғурта қилинган объектлар сони, шунингдек суғурта суммаларининг умумий ҳажми билан белгиланади. Молиявий таҳлил қилиш нуқтаи назаридан эса суғурта портфелини ҳажми келиб тушган суғурта мукофотлари, шунингдек суғурта турлари бўйича кўриб чиқиши мумкин.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Суғурта фани назариясида суғурта портфелини шакллантиришнинг асосий тамойиллари келтирилган бўлиб (гарчи амалда турли хил иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа омиллар туфайли улар ҳар доим ҳам амалга оширилмайди) улар қўйидагилардан иборат:

1. Оқилона етарлилик тамойили. Суғурта портфелининг ҳажми суғурта шартномалари ва суғурта объектлари сонига, шунингдек суғурта суммасининг умумий миқдорига боғлиқ. Суғурта катта сонлар қонуниятларига асосланади, шунинг учун ушбу миқдорий тавсифловчи хусусият сифат хусусиятларига эга бўлади. Бу ерда етарлилик қўйидагиларни англатади: суғурта портфелидаги бир ҳил суғурта қилинган объектлар қанчалик кўп бўлса, суғурта компанияси ҳодиса юз бериш эҳтимоли тўғрисида аниқроқ маъумотларга эга бўлади.

2. Бир ҳиллик тамойили. Суғурта портфелининг бир хиллигини баҳолаш мезонлари суғурта суммаси ва рисклар ҳажми ҳисобланади. Ушбу баҳолашга эҳтиёж танланма қонуни билан изоҳланади. Бир хиллигини баҳолаш учун суғурта назариясида суғурта суммасини тарқалиш (дисперция) миқдорларидан фойдаланиш мумкин, бу максимал ва минимал суғурта суммаларининг суғурта шартномаларидаги улушларни акс эттиради.

3. Тенглик тамойили. Суғурта портфелининг тенглиги янги тузилаётган шартномалар ва муддати тугаётган шартномаларнинг нисбати сифатида кўриб чиқилади. Суғурта компанияси учун мувозанатлашган портфел ҳолатига эришиш жуда муҳим, бунда янги тузилаётган шартномалар оқими ҳеч бўлмаганда тугаётган суғурта шартномаларининг ўрнини қоплаши, балки суғурта суғурта суммасига, муддатига ва риск миқдорига ҳам тегишли бўлиши керак.

4. Барқарорлик тамойили. Суғурта портфелининг барқарорлиги уларнинг амал қилиш муддатлари тугаганига қадар суғурта қопламаси билан таъминланадиган шартномалар улуши билан тавсифланади. Ушбу кўрсаткични ҳисобга олиш зарурати,

мижознинг суғурта муддати тугашидан олдин шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга эканлиги билан боғлиқ. Қоидага кўра шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ҳолати бу суғурта компаниясининг тариф сиёсати ва суғурта rischi бўйича суғурта қопламаси суғурталанувчининг эҳтиёжларни тўлиқ қондира олмаслигидир. Бу ўз навбатида суғурта компаниясининг маркетинг сиёсати ва стратегиясини ўзгартириш зарурлигини кўрсатади.

5. Диверсификация тамойили. Бу тамойилга риоя қилиш рискларни йиғиш (тўплаш) таъсиридан қочиш имконини беради. Ушбу тамойилга амал қилиш рикларни йиғиш (тўплаш) натижасида портфелнинг мувозанатига, яъни бир турдаги суғурталанган объектларнинг кўп сонига таъсир кўрсатадиган ҳодисаларнинг юзага келиши эҳтимолини пасайтиришдан иборат. Бунда портфелнинг худудлар бўйича мувозати таъминланиши муҳим ҳисобланади.

Ушбу тамойилларга риоя қилиш суғурта компаниясига оқилона ва ҳар томонлама мувозанатлашган суғурта портфелини шаклантириш имконини беради. Суғурта компаниялари суғурта портфелининг функциялари 1-жадвалда келтирилган.

## 1-жадвал

Суғурта портфели функцияси<sup>132</sup>

Функция	Моҳияти
Суғурта хизматларини танлаш функцияси	Суғурта компанияси суғурта хизматлари сифати ва турларини тақдим этишда суғурталанувчилар талабларига жавоб берадиган портфел турини танлаш ҳуқуқига эга.
Суғурта хизматларини диверсификациялаш функцияси	Суғурта портфели таркибий шаклда шакллантирилади.
Ҳисоб функцияси	Шартномалар сони, суғурта мукофотлари миқдори, суғурта суммаси, суғурта муддати ва зарарларнинг юз бериш эҳтимоли аниқланади.
Таҳлилий функция	Суғурта портфелининг режалаштирилган ва амалдаги самарадорлиги, рентабеллик ва рисклилик даражаси билан таққосланади: таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.
Инвестиция функцияси	Суғурта компаниясининг даромадлари ўсишини ва суғурталанувчилар учун тарифларнинг пасайишини таъминлайди.
“Янги” портфелни оптималлаштириш функцияси	Янги портфелни даромадлилик ва рисклилик кўрсаткичлари асосида оптималлаштириш.

Умуман олганда, суғурта портфелининг функциялари тўғрисидаги фикрларни умумлаштириш шундай хулоса қилиш мумкинки, барча фикрларнинг мақсади бу самарали суғурта портфелини яратиш; даромадлилик ва риск даражаси ўртасидаги муқобил мувозанатга эришиш, яъни буларнинг барчаси суғурта портфелининг молиявий барқарорлигини таъминловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳисобот даврида суғурта операциялари самарадорлигини ўз вақтида оширишга имкон берадиган суғурта компанияси суғурта портфелининг энг муҳим кўрсаткичлари кўриб чиқамиз.

1. Портфелда суғурталанган объектлар сони. Ҳисобот даврида ушбу кўрсаткичлардаги ўзгаришларни доимий равишда кўзатиб бориш ва шартномалар бўйича суғурталанган объектлар сонини аниқлаш керак. Агар суғурта портфелидаги суғурта объектлари сони мингдан ортиқ бўлса, унда катта сонли қонунлар амалга оширилади ва барча кейинги ҳисоб-китоблар ишончли бўлади.

<sup>132</sup> Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2. Коньшин коэффиценти. Ушбу кўрсаткичдан фойдаланган ҳолда суғурта операцияларининг молиявий барқарорлиги баҳоланади. Коэффициент қиймати қанчалик паст бўлса, суғурта операцияларининг молиявий барқарорлиги ва шу сабабли суғурта компаниясининг молиявий ишончилиги шунчалик юқори бўлади.

3. Мувозанат коэффиценти. Ушбу кўрсаткич муддати ўтган суғурта шартномалари сонининг ҳисобот санасидаги амалдаги шартномалар билан ўзаро нисбатини тавсифлайди. Коэффициент асосида суғурта компанияси амалга оширадиган суғурта турининг ривожланиш босқичини ҳолатини яъни ўсиши ёки пасайиши тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Мувозанатли суғурта портфелида мувозанат коэффиценти 1 дан кам бўлиши керак.

4. Зарарлилик коэффиценти. Зарарлилик коэффиценти суғурта компаниясининг тўловлари билан тўғридан-тўғри пропорционалдир, шунинг учун уларнинг қиймати 1 дан бўлиши керак.

5. Суғурта портфелининг бир (турдаги) хиллиги. Бундай ҳолда суғурта компанияси максимал суғурта суммасининг ўртача суғурта суммасига ва ўртача суғурта суммасининг минимал суғурта суммаси нисбатига эътибор қратиши лозим. Агар ушбу нисбатлар иккидан катта ёки тенг бўлса, унда суғурта портфели бир хил турдаги ҳисобланади.

Суғурта компанияси суғурта портфелини тузишда уни таркиблаштириш масалаларига алоҳида эътибор бериши лозим. Агар битта суғурта тури бўйича суғурта шартномаларининг сони улар бўйича олинган мукофотлар улушига номутаносиб бўлса ва бу ўз навбатида тегишли суғурта суммасининг ҳажмига номутаносиб бўлса, унда суғурта портфели мувозанатлашмаган ҳисобланади.

Шуни ёдда тутиш керакки, беқарор иқтисодий шароитида суғурта компанияси ташқи (эгзоген) ва ички (эндоген) омилларнинг таъсирига дуч келади ва уларни ўз фаолиятида ҳисобга олиши керак бўлади. Шундай қилиб, суғурта компаниясининг фаолиятида унинг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятига сезиларли таъсир кўсатадиган операцион ва тадбиркорлик рисклари мавжуд бўлади.

### 3-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорининг тузилиши<sup>133</sup>

Суғурта бозори тузилиши	31.12.2022	31.12.2023	Ўзгарish (+/-)
Суғурта ташкилотлари сони	41	38	-7,3%
<i>шу жумладан ҳаёт суғуртаси бўйича</i>	8	7	-12,5%
Суғурта ташкилотларининг умумий устав капиталли (млн. сўмда)	1 884 111	2 298 572	+22,0%
Суғурта брокерлари сони	7	8	+14,3%
Актуарийлар сони	5	5	0%
Суғурта агентлари сони	9 155	4 736	-48,3%
<i>шу жумладан юридик шахслар</i>	2 625	1 711	-34,8%
Тўловларни кафолатлаш жамғармаси аъзолари бўлган суғурта ташкилотларининг сони	25	26	+4,0%

Сўнгги йилларда суғурта ташкилотлари фаолиятида ихтиёрий суғурта турларида кескин ўсиш суръатлари намоён этмоқда, бу эса суғуртанинг реал ривожланиши ва суғурта компаниялари хизматларига бўлган ишонч даражасининг ортиб боришидан далолат бериб

<sup>133</sup> Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди <https://napp.uz/ru/pages/statistics-and-analysis-for-im>.



келмоқда. Шундай қилиб, 2024 йил 1 январь ҳолатига суғурта ташкилотлари сони 38 тани ташкил этди, шундан 7 та ташкилот ҳаётни суғурталаш билан шуғулланиб келмоқда (3-жадвал).

2023 йилда битта янги компания ташкил этилиб (“NEO INSURANCE CORP” лицензия рақами № 101477, устав капитали 45,000,00 млрд сўм) бешта компания лицензияси бекор қилинди (“SHARQ-SUG‘URTA” АЖ, “GARANT INSURANCE GROUP” АЖ, “UNIPOLIS” АЖ, “ASKO-VOSTOK” АЖ ҚҚ, “FAROVON SUG‘URTA” АЖ), шунингдек битта компаниянинг лицензияси вақтинча тўхтатилган (“DD GENERAL INSURANCE” АЖ).

Умуман олганда 2023 йил якунига кўра мамлакатимиз суғурта бозорида амалда бўлган шартномаларнинг умумий сони қарийб 9,74 миллион донани, тузилган шартномаларнинг умумий сони эса 9,13 миллион донани ташкил этди (2022 йилда мос равишда 8,40 миллион дона ва 7,95 миллион дона бўлган).

Ўзбекистон Республикаси истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда мамлакатимизда суғурта фаолияти анча барқарор суръатларда ривожланиб келмоқда. Устав капиталини кўпайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2023 йил давомида суғурта ташкилотларининг умумий устав капитали 22,05 фоизга ўсди ва 2 298,57 миллиард сўмни ташкил этди (4-жадвал).

## 4-жадвал

Ўзбекистон суғурта хизматлар бозорининг асосий кўрсаткичлари<sup>134</sup>

Кўрсаткич	Суғурта компаниялар сони	Суғурта мукофотлари (млрд.сўм)	Суғурта қопламалари (млрд.сўм)	Жами устав капитал (млрд.сўм)
Йил				
2018	30	1635,2	460,8	543
2019	36	2313,9	813,5	755,2
2020	40	2212	732	1439,1
2021	42	3733	1235	1545,7
2022	41	6231,7	2596,9	1884,1
2023	38	8059,7	2022,1	2299,5

2023 йил якуни бўйича суғурталовчиларнинг инвестиция портфели 29,4 фоизга ўсиб, 6,15 трлн. сўмни ташкил этади. Инвестицияларнинг асосий қисми банк депозитлари ҳисобига тўғри келди, улар кўриб чиқиладиган даврда 39,4 фоизга ўсиб ва 4,04 трлн. сўмни ташкил этган.

## 5-жадвал

Суғурта компаниялари инвестиция портфелининг таркибий тузилиши<sup>135</sup>


Кўрсаткич номи	31.12.2022		31.12.2023		Ўзгариш % да
	млн. сўмда	Жамига нисбатан % да	млн. сўмда	Жамига нисбатан % да	
Жами инвестициялар, шу жумладан:	4 751 745	100%	6 149 938	100%	+29,4%
Депозитлар (омонатлар)	2 896 636	61,0%	4 037 369	65,6%	+39,4%
Қимматли қоғозлар	1 287 917	27,1%	1 357 492	22,1%	+5,4%
Займлар	60 776	1,3%	46 864	0,8%	-22,9%
Кўчмас мулк	358 944	7,6%	539 498	8,8%	+50,3%
Ташкилотлар устав фондидаги иштироки	118 221	2,5%	134 728	2,2%	+14,0%
Бошқа инвестициялар	29 252	0,6%	33 988	0,6%	+16,2%

<sup>134</sup> Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди <https://napp.uz/ru/pages/statistics-and-analysis-for-im>.

<sup>135</sup> Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди <https://napp.uz/ru/pages/statistics-and-analysis-for-im>.

Қимматли қоғозларга инвестициялар 2023 йил якуни бўйича 5,4 фоизга ўсиб 1 357,49 миллиард сўмни ёки суғурта ташкилотларининг барча инвестицияларининг 22,1 фоизини ташкил этди ва ҳоказо.

Суғурта компаниялари инфляция портфелининг ўсиш тенденциясини янада чуқурак тушиниш учун уларни йиллар давомида қилган инвестицияларини таҳлилини кўриб ўтишимиз ўринлидир (1-расм).




**1-расм. Суғурта компанияларининг инвестиция портфели ҳажмларининг ўзгариш динамикаси<sup>136</sup> (млрд.сўмда)**

Йиллар давомида суғурта компаниялари томонидан инвестиция портфели ошиб бормоқда. Авваламбор суғурта компаниялари ўз маблағлари ҳисобидан инвестиция фаолиятларини олиб боришади, сабаби бўш турган маблағлар орқали суғурта компаниялари қўшимча маблағларни ишлаб топишмоқда. Бу биринчи томондан суғурта компаниясига қўшимча даромад олишга, иккинчидан келажакда юз бериши мумкин бўлган зарарларни қоплашда қўшимча манба сифатида фойдаланиши мумкинлиги билан муҳим молиявий дастак ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан инвестицион фаолият билан шуғулланишни ҳар томонлама қўллаб-қўвватлаш муҳим саналади. Шунингдек, шу нарсани ёдда тутишимиз керакки, суғурта компанияси учун суғурта фаолияти бирламчи, инвестицион фаолият эса иккиламчи. Юқорида айтилганидек бу фаолиятлар бирдек суғурта компанияси ва суғурта тизими учун муҳим саналади.

1-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, йиллар давомида суғурта компанияларининг инвестицион портфели ўсиш тенденциясини намоён этиб келмоқда. Бу ўсиш сифат жиҳатдан яхшиланганини ҳам кўришимиз мумкин. Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ўсиш бир мунча секинлашган бўлсада, суғурта соҳасида бў ўсиш барқарор давом этиб келмоқда. 2017 йилда суғурта бозори субъектларининг умумий инвестиция портфели 1482,5 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 6149,9 млрд.сўмни ташкил этган, яъни охириги олти йилда 4,1 бааварга ўсганлигини кўришимиз мумкин.

<sup>136</sup> Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди <https://napp.uz/ru/pages/statistics-and-analysis-for-im>



**2-расм. Суғурта компаниялари томонидан қилинган инвестицияларнинг таркибий ўзгариш динамикаси (фоизда)<sup>137</sup>**

Кўрсаткичларнинг сифат жиҳатдан ўсганлигини эса 2-расмдан кўришимиз мумкин бўлади. йиллар давомида суғурта компанияларининг асосий инвестиция воситалари асосан икки объектга инвестиция қилинган. Булар тижорат банкларининг қисқа ва узоқ муддатли депозитлари ва акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлари ҳисобланади. Бундай ҳолатни биз қўйидагилар орқали изоҳлашимиз мумкин бўлди. Биринчидан, албатта бу ерда махсус ваколатли давлат органи томонидан ўрнатилган меъёрлар асосида шаклланиши, сабаби бу меъёрлар суғурта компаниялари томонидан инвестицион сиёсатларини диверсификация асосида йўналтиришларини таъминлаб беради. Сабаби даромад юқори бўлган инвестицион йўналишларда риск ҳам юқори ҳисобланади. Буларни маълум даражада тартиб солиш муҳим саналади. Шу сабабли суғурта компанияларининг инвестицион портфелида риск даражаси паст бўлган инвестиция инструментлари етакчи қилади. 2023 йил якунлари бўйича тижорат банкларининг қисқа ва узоқ муддатли депозитлари салмоқни ўринни эгалламоқда, яъни улар умумий инвестиция таркибида 65,6 фоизни (4037,3 млрд.сўм) ташкил эган ҳолда етакчилик қилмоқда. Бунинг сабаби тижорат банкларининг депозитлари ҳозирги кунда рисклилик даражаси паст инвестиция инструментларини ташкил этади. Шунингдек, уларнинг талаб қилиб олгунча бўлган шакллари (муддатли ва муддатсиз) суғурта компаниялари учун ўз жозибдорлигини намоён этиб келмоқда.


Иккинчи ўринда акционерлик жамиятларининг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар эгаллашмоқда. Уларнинг кўрсаткичи йил якунлари бўйича 22,1 фоизни (1357,4 млрд.сўм) ташкил қилган. Бунга асосан махсус ваколатли давлат органи томонидан ўрнатилган меъёрлар таъсир кўрсатмоқда. Сабаби ҳамма активларни банк депозитларига қўйиб бўлмаслиги, суғурта компанияларининг фонд бозоридаги фаол иштирокини таъминламоқда. Кейинги ўринларда кўчмас мулк бозорида кўзатилаётган

<sup>137</sup> Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди <https://napp.uz/ru/pages/statistics-and-analysis-for-im>



барқарорлик суғурта компаниялари кўчмас мулкларга инвестицияси таъминлаб келмоқда, 2023 йил якунлари бўйича уларнинг умумий инвестиция портфелидаги улуши 8,8 фоизни (539,4 млрд.сўм) ташкил этган ҳолда ўсиш тенденцияларни намоён этиб келмоқда. Кейинги ўринларда суғурта компанияларининг бошқа хўжалик юритувчи субъектларининг устав фондидаги иштироки эгаламоқда, 2023 йилда бў кўрсаткич умумий инвестиция портфелида 2,2 фоизни (134,7 млрд.сўм) ташкил этган. Субъектларнинг юқори даромад олишлари суғурта компанияларининг бу йўналишларда ҳам инвестицион фаолиятларини фаоллашувига олиб келмоқда.

Суғурта соҳасининг мамлакат иқтисодиётида ривожланиши таҳлил қилар эканмиз суғурта мукофотларининг зарарлилик кўрсаткичини четлаб ўтиб бўлмайди, бу кўрсаткич суғуртанинг ривожланганлигини ва унинг иқтисодиётда зарарларни қоплаб беришдаги ўрнини яққол тасвирлайди. Бу кўрсаткич жами ялпи суғурта қопламаларининг ялпи суғурта мукофотлари нисбати асосида ҳисоблаб чиқарилади ва қўйидаги кўринишда акс эттирилади (3-расм).



3-расм. Суғурта бозори бўйича суғурта мукофотларининг зарарлилик даражаси, (фоизда)<sup>138</sup>

Олиб борилган ҳисоб-китоблар ва таҳлилларга таянган ҳолда шунини таъкидлашимиз мумкинки, миллий суғурта хизматлар бозоримизда суғуртанинг зарарлилик даражаси 2023 йилда 25,0 фоизни ташкил этган бу ўтган йилга нисбатан 60 фоиз камдир (2022 йилда 41,6 фоиз бўлган). Юқорида таъкидланганидек, 2022 ва 2023 йилларда ҳаёт суғурта соҳасида юз берган туб ўзгаришлар жамғариб бориладиган суғурта турлари бўйича имтиёزلарнинг бекор қилиниши ва суғурта мукофотларини кўплаб қайтарилиши суғурта қопламаларининг умумий нисбатда кўпайишига сабаб бўлганди. Шунингдек, 2023 йилда йиғилган суғурта мукофотлари бўйича тариф ставкалари анчагина пасайиш тенденциясини намоён этган. Бу ўз навбатида салоҳиятли суғурталанувчиларнинг суғурталаш салоҳиятларини ошишидан далолат беради, шунингдек суғурта хизматлар бозорида соғлом рақобат муҳити шаклланаётганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Рақобат асосан хусусий суғурта компаниялари орасида юз бермоқда. Сабаби хусусий суғурта компаниялари суғурта тарифларини туришида давлат иштирокидаги суғурта компанияларига нисбатан анча мустақил ҳисобланишади.

<sup>138</sup> Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди <https://napp.uz/ru/pages/statistics-and-analysis-for-im>

### Хулоса ва таклифлар.

Шундай қилиб, қўйидаги хулосаларни чиқаришимиз мумкин. Замонавий шароитда молиявий барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида мувозанатли суғурта портфелини шакллантиришнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Бироқ, маҳаллий адабиётларда суғурта портфелини фақат ушбу йўналишда, яъни суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи омиллар нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Бугунги кунда миллий суғурта компанияларининг суғурта портфелининг сифати ва тузилмаси оптимал эмас, шунинг учун улар ушбу кўрсаткичларни бозор шароитларига, уларнинг молиявий ва ташкилий имкониятларига қараб мослаштирмоқдалар.

Кўпгина иқтисодчи олимлар ишларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирда суғурта портфелини бошқаришнинг алоҳида тизимли ёндашув йўқ. Назария амалиётдан орқада қолмаслиги учун суғурта портфелининг фаолиятини баҳолаш ва унинг оптимал тузилишини аниқлашнинг комплекс тизимини ишлаб чиқиш керак. Ушбу муаммо ривожланаётган суғурта бозори ва мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда долзарб ҳисобланади. Шундай қилиб, ушбу соҳада кейинги илмий тадқиқотлар ўтказиш ва назарий бўшлиқларни тўлдириш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни таъкидлаш керакик, суғурта портфелини шакллантиришда мавжуд муаммолар ва техник қийинчиликларга қарамай миллий суғурта компаниялари мувозанатлашган суғурта портфелини шакллантиришга эришмоқдалар.

Шундай қилиб, қўйидагича хулоса қилишимиз мумкин: оптимал суғурта портфелини шакллантириш нафақат суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминлаш усули, балки унинг бозор шароитидаги фаолияти учун ҳам зарурдир.

### Адабиётлар / Литература / Reference:

Abdurahmonov, I. (2020). Efficiency of organizing the activities of insurance intermediaries in the development of insurance sector. *International Finance and Accounting*, 2020(1), 5.

Abdurakhmonov PhD, I. (2020). Impact of insurance services on the development of real sector enterprises. *International Finance and Accounting*, 2020(6), 7.

Abdurakhmonov, I. (2020) "Prospects for applying new marketing technologies in the insurance industry," *International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 4, Article 6*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/6>.

Abdurakhmonov, I. (2020) "Regulation of the insurance market and implementation of effective mechanisms of prudential control," *International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 2, Article 10*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/10>

Abdurakhmonov, I. (2020). Methods and approaches to evaluating the insurance industry efficiency. *International Finance and Accounting*, 2020(3), 7.

Abduraxmonov, I. (2022). Sug'urta sohalarining shakllanish tendensiyalari. *MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(3), 60-67.

Abduraxmonov, I., Abduraimova, M., & Abdullayeva, N. (2018). Sug 'urta nazariyasi va amaliyoti. O'quv qo'llanma. Toshkent. "IQTDISOD-MOLIYA.

Ilyas, A. (2018). Competition in the insurance market of Uzbekistan. *Asian journal of management sciences & education*, 7(2), 56-61.

Ilyas, A. (2018). Insurance market analysis methods: case-study from Uzbekistan. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 7(1), 59-68.

Ilyos, A. (2019). Fair tariff policy in insurance: Theory and methods of calculation. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 8(2), 20-27.

Khurshidovich, A. I. (2021). Issues of innovative development of insurance in Uzbekistan. *International Journal of Management IT and Engineering*, 11(7), 91-96.

Абдурахмонов И.Х. (2020) Ислол суғуртаси ёки такафулнинг назарий-иқтисодий асослари ва амалга ошириш моделлари таҳлили. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. № 6 (2020). 80-87.

Абдурахмонов И.Х. (2020) Суғурта соҳасида маркетингнинг янги технологияларини қўллаш истиқболлари. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. №4, 1-10 б.

Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. №1, 95-99 б.

Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида янги рақобат қўринишлари: назарий асос ва иқтисодий таҳлил. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. №2, 145-150 б.

Абдурахмонов, И. (2020). Суғурта бозорини тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини жорий этиш, "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали, 2.

Абдурахмонов, И. (2022). Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари. MOLIYA VA BANK ISHI, 8(1), 95-99. Retrieved from <https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/82>.

Абдурахмонов, И. (2024). Суғурта бозори: замонавий ҳолат ва ривожланиш тенденциялари. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 2(4), 309-319.

Абдурахмонов, И.Х. (2010). Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш. Автореф. дисс... и. ф. н, 26.

Абдурахмонов, И.Х. (2018). Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: "Иқтисод-Молия" нашриёти, 23-24.

Абдурахмонов, И.Х. (2019). Теория и практика страхования. Учебник/–Т.:«Иқтисод молия, 353-354.

Абдурахмонов, И.Х. (2023). Ўзбекистон Республикасида суғурта тармоқларини ривожлантиришнинг концептуал асослари. Автореферат дисс... и. ф. д, 78.

Абдурахмонов, И.Х. (2024). Суғурта соҳасининг самарадорлигини баҳолаш. TADQIQOTLAR. UZ, 37(6), 161-167.

Ефимов С.Л. (1996) Портфель страховой / Экономика и страхование: Энциклопедический словарь. –Москва: ЦЕРИХ-ПЭЛ, - С. 385. - 528 с.

Жигас М.Г. (2009) Финансы страховых предприятий. - Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2009. – 396 с.

Рейтман Л.И. (1992) Страхование дело / под ред. Рейтмана Л.И. М.: «Финансы и статистика», 524 с.

Рубин Ю.Б., Солдаткин В.И. (1994) Страховой портфель / отв. ред., –М.: Соминтек. 640 с.

Рязанцев Р.А. (2009) Страховой портфель страховой организации: теоретический аспект / Известия ИГЭА. № 4 (66) 34-37 с.

Собиров Ҳ.Р. (1998) Суғурта: 100 савол ва жавоб. -Т.: "Меҳнат". - 160 б.

Чалдаева Л.А. (2011) Страховой портфель, его качественные и количественные характеристики. Финансы и кредит. 12 (444). 1-3 с.

Яшина Н.М. (2007) Обеспечение финансовой устойчивости страховой организации: теория, методология и практика: автореф. дис. д-ра экон. наук. М., 28 стр.